

АНЖУМАН НИМА БЕРДИ?

КПСС XXVIII съезди нафақат коммунистларини, балки мамлакатнинг барча кишиларини ҳақонланганлиги турган кўлаб саволларга жавоб қайтариши лозим эди. Ун бир кун давом этган анжуман нима берди? Партиязнинг бундан бундан мавқеи қандай бўлади? Пискеит районидagi «Пискеит» совхози коммунистлари билан сўхбатимиз шу ҳақда борди.

Баҳодир РАҲМОНОВ, ҳисобчи: — Мен 1986 йилдан бери совхозда ишлабман. Асосий ишларим акраламан ҳолда бир қанча жамоатчилик топшириқларини бажариб келаяман: дастлаб тарғиботчи, сўнгра комсомол ташкилототи котибининг ёрдамчиси бўлдим. Шу даврда жуда кўп кишилар билан сўхбатлашдим, назарий билимимни, сиёсий оғинимни оширдим.

Коммунистик партия аъзоси бўлиш ораим эди. Иш фаолиятим давомда бу ният қатъийлашди. Айниқса қайта қуриш, ошкоралик ва демократия бу истагимни кучайтирди. 1988 йилнинг ноябрыда КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилиндим. Ушга кезларда чорвалчилик бўйича ҳисобчи эдим, шу бондан тажрибали коммунист чорвалдорлар билан кўп марта мулоқотда бўлдим. Партия йиғилишларида қатнашдим. Усмон Моназаров, Махмудов Қамбаров, Қосим Эшонқуллов қимматли маслаҳатлар беришди. Шунингдек, 34 йилдан бери партия аъзоси Дания Мухаммадзонова — у киши ҳам ҳисобчи — ўз ишлари, принциплал муносабатлари билан менга ўрнак бўлдилар. Ниҳоят, буттур декабрь ойида КПСС аъзолигига ўтдим.

Ҳозир Коммунистик партия тўғрисида турли фикрлар билдирилади. Гоҳо: «Нега шундай қалтис даврда партиясига кирдинг», — деб сўраб қолганда. Меннинг эса мақсадим битта — бутгунги мураккаб пайтда ленинчи партия сафида бўлиб, халқимизга хизмат қилиш. КПСС обрўси тўқилди, деган гапларга сира қўшилмайман. Чунки партия эмас, балки унинг сафидаги баъзи шахслар ёмон бўлиши мумкин. Чинакам коммунистлар эса улардан кўра ўн чандон, юз чандон кўроқдир.

КПССнинг олдинги анжуманини Совет Армияси сафида хизмат бурчимни ўтаётганда кузатиб боргандим. XXVIII съезд ундан бутунлай фарқ қилди. Боси — бу иккала йилни ўртасидаги даврда жамятинимизда ҳам, партия турмушида ҳам тўб ўзгаришлар рўй берди. Шунинг учун съезд қизғин мунозараларга бой бўлди, лекин очигина айтганда, у бизни ўйлантираётган барча саволларга тўлиқ жавоб қайтармади. Делегатлар кўпроқ партия бирлигини сақлаб қолиш учун қайғурдилар, халқнинг аҳолини яхшилаш, турмуш шароитини юксалтириш тўғрисида катта қарорлар қабул қилди. Уларни изчыл амалга ошириш ҳар бир коммунистнинг бурчидир. Мен ҳам шу мақсад йўлида бор куч-гайратимни сарфлайман.

Фотимахон ЖУРАЕВА, совхоз партия ўқув кабинетининг мудири: — 1985 йилнинг апрелидан бошланган қайта қуриш ҳозирга қадар кўпгина икбий ўзгаришлар қилди. Чунки, илгари раҳбарлар билан халқ ўртасида узилиш, жардн бордек эди, бутгунги кунда ана шу нарса йўқолди. Барча тоифадаги раҳбарлар оддий одамлар билан ҳисоблашмоқдалар.

КПСС XXVIII съезди кунларида жумҳуриятимиз вакиллари ўтказган матбуот конференциясида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов жуда тўғри айтди: бизда Коммунистик партиянинг обрўси мамла-

катнинг бошқа жойларига нисбатан анча юқори.

Коммунистлар аҳоли ўртасида натта ҳурматга эга, ишда кўпчиликлга ўрнак. Бунини мен котиблик қилаётган марказий идора цех партия ташкилототи масолида яққол кўриш мумкин. Ҳисобимизда 39 коммунист, 2 нафар партия аъзолигига номзод бор. Уларни меҳнат жамоаларида қаттиқ ҳурмат қилишади. Ҳозирги қийин вазиятда ҳам КПСС сафига ўтишни хоҳловчилар кўп. Янгида ана икки киши — ҳисобчи Ойгура Тошхонов, агрохиме лабораторияси агрономи Юнус Нурдодбоев ариза беришди.

Съезд масалаларини муҳокама қилишда ҳам қарорлар қабул этишда ҳам бир томонламаллик йўл қўйди. Масалан, Сиёсий ҳисоботда беш йил олдин белгиланган режаларнинг бажарилишига, икки съезд оралигида партия амалга оширган ишларга деярли тўхталмаган. Қабул қилинган партиявий ҳужжатлар тўғрисида қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Бу, менимча, шомша-шоярлик оқибати. КПСС Устави аввалига лойиҳа ҳолида узоқ вақт муҳокама этилди. Съезд давомида ҳам кўлаб таклифлар айтилди. Шунга қарамай, унда қиймага етмаган жумалар бор. Айтилик, эрта-индин бозор иқтисодиётига ўтилганда кейин партия бюджетини қандай бўлади? Уставада эса аъзолик бадаллари илгаригидан сезиларли миқдорда камайтирилган. Бундан ташқари унинг анча қисми бошланғич ташкилотларда қолдирилди. Бу аҳолида келгусида КПСС камбағаллашиб қолиши мумкин-ку.

Яна бир нарса хусусида тўхталмоқчиман. Ҳар бир кунимиз воқеаларга бой ўтмоқда. Коммунистларни бўлаётган жараёнлардан ҳарбдор қилишда, онги ва тафаккурини ҳар томонлама бойитишда сиёсий ўқувнинг аҳамияти катта. Бу ишга муносабатини тубдан ўзгариши лозим. Баъзилар бундай ўқувнинг керак-нокераклиги ҳақида бахслашмоқдалар. Тортишлар мутлақо ўринсиз. Агар сиёсий ўқиш бўлса, коммунистлар юз бераётган ҳодиса-воқеалардан етарлиқ хабар топпай қолдилар.

Қойлхон МҲМИНОВ, марказий устакхона цех партия ташкилототи котибининг ўринбосари: — Цех партия ташкилотимиз атрофида 15 нафар коммунист уюшган. Съезд кунларида ҳамма миз тез-тез йиғилиб, ўз фикримизни билдириб турдик. КПССнинг бу олий анжумани ошқора, жушқин шароитда ўтди. Кўпгина икбий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга муносабат билдирилди. Лекин баъзи масалалар, жумладан, миллатлараро ихтилофлар, иш ташлашлар ва бошқа муаммолар хусусида ломим дейилмади. Ҳолбуки, булар партиянинг сиёсий ҳукмронлиги даврида этилган эди.

КПССнинг янги Уставада бошланғич ташкилотлар ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги бизни мамнун этди. Эндиликда унинг қарори узилик бўлади. Бу айни пайтда жуда масъулиятлидир. Шунингдек, у лозим топса, партияга қабулда синов мудирилик бекор қилиши мумкин.

Цех партия ташкилотимизда илчан коммунистлар кўп. Чилангарлар Тўйчи Абдуқодиров, Инъомжон Азаматов, хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис Ғофир Отабев ва бошқалар ишда кўпчиликлга ўрнак. Тажрибали ишчилар Марат Муста-

қимов, Анастасия Муравьева ёшларга ҳаммаша меҳрибон устоз. Улар ҳозирги қийин ва масъулиятли босқичда партия қарорларини ҳаётга жорий этишда намуна кўрсатишларига шубҳа йўқ.

Эрғаш ХУДОИБЕРДИЕВ, совхоз партия комитетининг котиби: — Жамиятимизни икбий-иқтисодий бошлангандан бери кўпгина соҳаларда қувончли ўзгаришлар рўй берди. 1985 йил апрель пленуми мамлакат ривожига тўқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш йўлиларини кўрсатди. Орада бир қанча пленумлар, КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференцияси бўлиб ўтди. Халқ ҳўжалигининг у ёни бу соҳасини ривожлантириш, кишиларнинг турмуш даражасини яхшилаш масалалари муҳокама этилди. Афсуски, билан айтиш керакки, белгиланган кўлаб режалар, қарорлар қозғода қолиб кетди.

Партия бундан бундан қандай ҳаракат қилишининг энг тўғри йўлини кўрсатди: қайта қуриш, ошкоралик ва демократияни бошлаб берди. Ният яхши эди, бироқ масала бошқа, мақсад КПСС бирлигига дарз етказиш бўлган баъзи шахслар бу имкониятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уриндилар. Шундай кишилар сафаримизда борлиги биз, коммунистларни ҳўшёр тортириш лозим. Бежиз бундай дейётганим йўқ. Мамлакатимизнинг айрим жойларида демократик оқим партиянинг гоийий қилишга сезиларли зарба бермоқда.

КПСС XXVIII съезди партия ички турмушида муаммолар кўпчилигини кўрсатди. Бир масалага турлича фикрлар билдирилди. Делегатлар ўзаро таънада берилиб, мавжуд аҳволдан кўнглиннинг аниқ йўл-йўриқларини ҳақида катта тўхталди. Мен съездан кўп нарсаларни кутганим. Лекин умид оқланмади. Коммунистик партия ташаббуси билан қабул этилган мамлакат Озиқ-овқат дастури, икбий-иқтисодий қарши қарор, бошқа муҳим ҳужжатлар ижроси ҳақида гапирилмади. Давлат корхонаси тўғрисидаги қонун ишда натта ўзгаришлар қилиши кутилганди, амалда бундай бўлмади. Анжуман бу каби хатоларга ўз муносабатини билдириши лозим эди.

Мен жумҳуриятимиздан сайланган делегатларнинг съездаги иштирокини диққат билан кузатиб бордим. Фақат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти И. А. Каримовнинг нўтиқини қониқтирдим. Бошқа вакилларимиз жуда сустхалик қилдилар. Ҳолбуки, олий анжуманда айтилган «дар»ларимиз кўп эди. Назаримда делегатлар сўз сайлашда эски услубдан воз кечилмади. Улар шомша-шоярлик билан танланди.

КПСС Устави анча содда-лаштирилган. Аммо унда гоийий мақсад биров мавжуддек. Виз марксча этиқодлардан воз кечмаслигимиз керак. Янгида бу аниқ айтилмаган.

Совхозимиз партия ташкилототи ҳисобида 289 коммунист бор. Ҳўжалигимиз ишлаб чиқаришида қатнашаётган жами ишловчининг ҳар ўнтадан бири КПСС аъзоси. Улар меҳнат жабаҳисинда бошқаларга ўрнак. Коммунистларимиз, барча меҳнаткашларимиз ленинчи партия белгилаб берган йўлдан бориб, съезд қарорлари тўла-тўғис амалга оширишда бор куч-гайратларини сарфлайдилар.

Э. ИВРОХИМОВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.



Булуғтур районидagi «Интернационал» совхози маъмурияти аҳолининг шахсий чорвасини ем-хашак билан таъминлашга доир жумҳурият Президенти фармонини сидқидил ижро этмоқда. Ҳўжаликда 235 гектар бедазор бор. Дехқонлар парваршини намуна илгала қўйиб, барча майдонларда мўл пичан ҳосил етиштирилди. Биринчи ўрим-

даёқ 500 тонна сифатли пичан тайёрланди. Аҳолига ем-хашак сотиш топшириги ошириб бажарилмоқда. СУРАТЛАРДА: озуқа тайёрлаш звеноси бошлиғи Мухтор Ҳабибов ва тракторчи Эшбой Қўшоқов. Унда: беда пичани механизмлар ёрдамида тойлаш пайти. Т. ДАВЛАТОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР Президентининг «СССР қонунларида кўзда тутилмаган қуроли бўлишларини тузишни тақиқлаш ва қурола-яроғлар га-йриқонуний тарзда сақланган ҳолларда уларни тортиб олиш тўғрисидаги фармонини рўбга чиқаришга қаратилган қарор қабул қилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область икбийроқ комитетларига, Тошкент шаҳар икбийроқ комитетига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига қурола-яроғлар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, жанговар техника ва бошқа ҳарбий мол-мулкларни га-йриқонуний тарзда тайёрлашни, эҳтиёсизлик билан сақлашни ва уларнинг йўқолиб қолишини истисно этадиган зарур чораларни дарҳол амалга ошириш топширилди.

Қарорда барча корхоналарда тингл қурола ва ўт очиш қуроли, ўқ-дори ва бошқа жанговар воситаларни тайёрлашга уринишлар қаттиқ назорат қилиниши ва унинг олди олиниши зарурлиги айтилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари икбийроқ комитетларига Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Пре-

зиденти фармонининг талабларини меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида ва истиқомат жойларида тушунтириш ишларини дарҳол амалга ошириш тақиқ этилди. Тушунтириш ишларини олиб бориш ва жоғароли вазиятларнинг олдини олиш учун махсус гуруҳлар тузилсин. Уларга совет идораларининг, корхоналар, муассасалар, ўқув юртлари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари шахсан бошчилик қилишлари зарур.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг «СССР қонунларида кўзда тутилмаган қуроли бўлишларини тузишни тақиқлаш ва қурола-яроғлар га-йриқонуний тарзда сақланган ҳолларда уларни тортиб олиш тўғрисидаги фармонини рўбга чиқаришга оид шойлиши тadbирлар режаси тасдиқланди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область икбийроқ комитетларига, Тошкент шаҳар икбийроқ комитетига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига ушбу қарор қандай бажарилганлиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советини хабардор қилиб туриш вазифаси топширилди.

ҲУКУМАТ ҚАРОРИНИ ШАРҲЛАБ

Қарорда кейинги вақтда жумҳуриятда қурола-яроғ ва ўқ-дориларни ўйирлаш қолдириш таътиз уратганини айтилади. Ҳозирги вақтда 254 та қурола қандарилмоқда. Шу йилнинг ўзидеяқ 3685 та турли қурола ва кўлаб миқдорда ўқ-дори тортиб олинди ҳамда икбийроқ равишда топширилди. Кўла олдинган қурола-яроғлар орасида икбийроқ қарши ҳарбий икбийроқлар тортиб олган бир нечта автомат, тўппонча, қўла болла портлатчи қуримлар бор. Бир неча киши қурола-яроғ ва ўқ-дорини ўйирлагани учун жиний жавобгарликка тортилди, кўпчилик қурола-яроғларни, ўқ-дориларни, портловчи модделарни га-йриқонуний тарзда сотиб олганлиги, сотганлиги, тайёрлаганили, уларни аниқда олиб юрганлиги учун турли жазо-ларга тортилди. Афсуски, қурола-яроғларни сақлаш қондаларининг бузилиши, йўқолиши қўйилган ва тасодифан болалар топиб олган ўқ-дорилар бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлди. Болалар ногирон бўлиб қолдилар, ўтган йили бир неча ўсимир ҳалок бўлди.

Ҳеч кимга сир эмаски, но-расийий бирлашмаларнинг айрим вакиллари ҳарбий хизматчиларни армияда хизмат қилишдан беш тортишга гиж-гил-ламоқда. Бу билан шусиз ҳам мураккаб икбийроқ-сиёсий ва жиний вазиятни авж олдириш учун шарт-шароит яратмоқдалар.

Бузуғчи унсурлар қуролага бўлиш мақсадида район ички ишлар бўлишлари ва ҳарбий комиссариятларни қур-шаб олиб, ички ишлар ҳарбий хизматчилари ва милиция хо-дилларига ҳужум қилганлик-лари Фаргона водийси, Бўка ва Паркент аҳолиси кўпчили-гининг ҳали эсидан чиқмаган.

Қарор фуқароларнинг СССР Конституцияси гарантйалаб берган ҳуқуқларини, уларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Халқ депутатлари Советларининг те-гишли икбийроқ комитетлари, министрликлар ва идоралар олдига қурола-яроғ, ўқ-дори, портловчи модделарни га-йриқонуний тарзда тайёрлаш ва сақлашни, жанговар техника ва бошқа ҳарбий мол-мулк йўқолишини истисно этуви-чи зарур чора-тадбирларни дар-ҳол амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Қондаги кўра, га-йриқонуний йўл билан сотиб олинган қурола-яроғ ва портловчи модде-ларни жинийроқ қилишга қурола-яроғ ва бошқа ҳарбий мол-мулк йўқолишини истисно этуви-чи зарур чора-тадбирларни дар-ҳол амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Министрликлар ва идоралар-нинг, корхоналар ва ташки-лотларнинг раҳбарлари СССР Президенти фармонининг та-

лаблари тўла ва сўзсиз бажарилиши учун шахсан жавобгар қилдилар. Тўғрисида оғоҳ-ландиривиларга, халқ депутат-лари Советларининг икбийроқ комитетлари эса ана шу талабларни меҳнат жамоалари-да, ўқув юртларида ва аҳоли-нинг истиқомат жойларида кенг тушунтириш ишларини бошлаб юборишлари зарур.

Қарорда маҳаллий Совет-ларнинг икбийроқ комитетлари-да фармон қондалари қандай рўбга чиқарилганлиги ҳамда эҳтимом тутилган жоғароли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ўз ҳудудларида жойлашган барча корхоналар ва ташкилотларнинг куч-га-йратлари қандай мувофиқлашти-рилганлигини назорат қи-лишни йўлга қўйиш учун ички гуруҳлар тузиш кўзда тутил-ган. Совет органларининг, кор-хоналар, муассасалар, ўқу-юртлари ва жамоат ташкилот-ларининг раҳбарлари эиммасса-га ана шу гуруҳлар ишга шаксан бошчилик қилиш вазифаси юклатилди. Жумҳурият ҳукуматида ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министр-лар Совети аппаратининг масъ-ул ходимларидан иборат шун-дай гуруҳ тузилди.

Яқин вақт ичидея қурола-яроғ, ўқ-дори ва портловчи модде-ларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг сақланлиши тақиқ-риш кўзда тутилган. Барча савдо ташкилотларининг ваки-ли қурола-яроғларни сотиши тақи-қинга, махсус фармоний бўл-гунча қадар тўхтаиб тури-лади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар Министрлигига Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги коми-тети ва Туркистон ҳарбий ок-

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Нукусда Қорақалпоғистон АССР билан Москванинг Дзержинский райони партия ташкилотлари ўртасида гу-манитар ва икбийроқ-иқтисоди-дий алоқаларни ривожлантиришнинг асосий йўналиш-лари тўғрисида қўшма ҳўжа-жат имзоланди. Ҳўжатни имзолаш маросими Москва партия делегациясининг ма-ҳаллий журналистлар билан учрашуви чоғида ўтказилди. Ҳўжатни Ўзбеки-стон Компартияси Қорақалпоғистон вилоят комитетининг биринчи котиби С. Д. Ние-туллаев ва КПСС Москва шаҳар комитети Дзержинский район комитетининг би-ринчи котиби А. В. Никонов имзоланди.

Мамлакат пойтахтининг йирик районларидан бири билан Қорақалпоғистон Автоном Республикаси меҳ-наткашлари ўртасидаги ях-ши муносабатларга 1933 йил-нинг февралдаёқ асос бў-линган эди. Ушанда Бутун-иттифоқ Марказий Икбийроқ Комитети президиуми ҳузу-ридаги Қорақалпоғистон АССРнинг доимий ваколат-хонаси ёш мухтор жумҳу-риятнинг топшириғига бино-ян тўқимачилар иттифоқи-нинг Москва вилоят бўли-мига мурожаат қилиб, Совет Қорақалпоғистонининг халқ ҳўжалигини ривожланти-ришда ёрдам бериши илти-мос қилган эди. Москва-нинг Дзержинский райони мухтор жумҳуриятини ишлаб чиқариш-техникавий ва ма-даний жиҳатдан шатлиққа олиши тўғрисида шартнома тузилган эди. Шуниси диқ-қатга сазоворки, урушдан аввали даврдаёқ шартнома-нинг деярли барча бандлари бажарилганди. 1940 йилга келиб Қорақалпоғистонда корхоналар сови 1928 йил-га нисбатан қариб 20 баравар кўпайди. Қорақалпоқ пахта-сини Москванинг тўқимачи-лик корхоналарига етказиб бериш ҳажми кат анча ош-ди. Иккинчи беш йиллик мобайнида мухтор жумҳу-рият меҳнаткашлари турмуш-даги бирорта муҳим воқеа Дзержинский райони меҳ-наткашларининг иштироки-сиз ўтмади. Бироқ кейин-чалик ана шу муносабатлар асоссиз равишда сувайиб кетганлигида улар айбдор эмаслар.


Қўшма ҳўжат — ҳам-корлик йўлидаги янги қа-дамдир. Қорақалпоғистондан ички гуруҳининг Москвага бўлажак ташрифти чоғида у ерда Қорақалпоғистон АССР билан Дзержинский райони ўртасида узоқ муддатли шартнома тузиш мўжжалдан-ган. Маазур шартнома ёд-лашуви томонлар ўртасида ҳамма соҳалардаги алоқа-ларни ривожлантиришнинг гарови бўлиб қолиши лозим.

В. ТРОЦКИЙ, ЎзТАГ мухбири.

Қорақул дов маҳсулотла-ри комбинатини техникавий жиҳатдан қайта қурола-тириш ниҳоясига етказилди. Бу ишлаб чиқариш самара-дорлигини ошириш ва маҳ-сулот сифатини яхшилаш имкония беради. Корхонада эндиликда бир кеча-кунду-да 110 тонна донни қайта ишлаш мумкин.

СУРАТЛАРДА: 1. Ком-бинатнинг умумий кўрини-ши. 2. Серурум ва замона-вий ускуналар билан жиҳоз-ланган ишлаб чиқариш жа-раёнларидан бири.

Ш. АЛИМОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).



НАШРДАН ЧИҚАРИЛДИ

КПССнинг XXVIII съез-ди тасдиқлаган «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави» алоҳида китобча қилиб нашр этилди. Китобча Сиёсий алаби-ёт нашриёти босмадан чи-қарди. (ТАСС).

